



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ


ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 15 (9761). • 1990 йил 20 январь • Баҳоси 5 тийин.



21 январь — В. И. ЛЕНИН хотираси куни



Фелдшер А. В. Рукавишников эсдаликларидан

ИЛЬИЧНИНГ СЎНГГИ ЙИЛИ

В. И. ЛЕНИН ҳаётига бағишланган китоблар, тадқиқотлар, эсдаликлар жуда кўп. Визга маълум бўлмаган кун ва соат йўқдек туюлади. Лекин барибир вақт ҳали ҳам янги-янги маълумотлар ва фактлар келтирилади. Рукавишниковларнинг онлави архивидан олинган сурат биринчи марта эълон қилинди. Унда оғир бетоб Владимир Ильич 1924 йилнинг бошида — умрининг сўнгги ойда суратга олинган... Енида фельдшер В. А. Рукавишников. Ҷаҳдда у Москва давлат университети тиббиёт факультети (ҳозирги I-Москва медицина институтининг охириги курси студенти эди. Факультет партия ячейкаси энг яхши студент, 1920 йилдан коммунист сифатида унга Ильичга қарашни ишониб топширди. Бу кунлар кейинчалик врач бўлган Владимир Александрович Рукавишниковнинг бир умр эсида қолди. У эсдаликлар устида ишлади, бу эсдаликларни вафотидан кейин ўғли инженер-конструктор Игорь Владимирович ва қизи — врач Мария Владимировна авайлаб сақлади. Қуйида шу эсдаликлардан парчалар уқийсиз...

...Менинг зиммамга юклатилган масъулият олдида бир талай гумонлар бор эди. Мен ундай олмайман, тўғри келмайман деб ўйлардим. Кремлга, Ильич квартирасига келишимга қадар аҳволим шундай бўл-

ди, келганимда эса ҳаммаси оддий бўлиб чиқди. Наҳаётида Константиновна ҳамма гумонсирашларини дарҳол тарқатиб лордди, у кимлигини, қаердан келганимни

(Давоми 6-бетда).

Қайта қуриш тақдири—халқ қўлида

18 январь куни Москвада ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Катта Кремль саройида заводлар, фабрикалар, ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, колхоз ва совхозларнинг, кооперативлар, ижарачи коллективларининг, илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг намоёндалари тўпланиди.

Кенгашда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлари, Совет ҳукуматининг аъзолари, министрликлар ва идораларининг раҳбарлари, олимлар иштирок этишмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев кенгаши кириш сўзи билан очди. Партия Мар-

казий Комитетининг ташаббуси билан ўтказилган бу учрашув, деб таъкидлади у, жамиятимизни янгилашнинг ҳозирги босқичидаги вазифаларни ҳал этиш учун катта аҳамиятга эга. Қайта қуриш тараққиётининг мураккаб, ҳал қилувчи босқичига қадам қўйиб, аҳоли барча қатламларини, турмушининг барча соҳаларини қамраб, кенг қулоқ ёзмақда. Ҳозирги вазиятни тушуниб этиш, унинг истиқболларини аниқлаш зарур.

(М. С. Горбачевнинг кириш нутқи газетда босилмоқда).

Чимкент областидаги «Шаульдерский» совхозининг ижарачи чўпони С. К. Есмурзаев, Могилев областининг «Завети Ильича» колхозидан механизатор А. И. Галанова, В. И. Ленин номидаги Нижний Тагиль металлургия комбинатининг оператор-инструктори С. Т. Мелихин, эстониялик деҳқон Р. Л. Мустинг, «Ижорский завод» Ленинград

ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси В. Г. Иванов, Хмельницкийдаги «Катюша» ишлаб чиқариш бюросига қарашли конструкторлик бюросининг бошлиғи Ю. Н. Шульга, Москва областидаги Ухтомский номи қишлоқ хўжалиғи машинасозлиғи заводидан цех бошлиғи Н. С. Васильченко, қарағандалик кўмирчи П. П. Шлегаль, Кишиневдаги «Молдавгидропром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари П. Г. Васильов ва кўпгина бошқа кишилар қайта қуриш билан, унинг борлишига тўқинилик қилаётган сабаблар, мамлакатни иқтисомий ва иқтисодий ривожлантириш масалаларга доир аниқ равшан тақлифлар билан боғлиқ кўпдан-кўп муаммолар юзасидан бўлган мунозараларда иштирок этди.

19 январда кенгаш ўз ишини давом эттирди.

(ТАСС).

Озарбайжон ва Арманистон халқларига

Ана шу машаққатли дамларда биз Сизларга, Озарбайжон ва Арманистоннинг граждандарига сизнинг ақл-идрокинги ва қалбингизга, сизнинг ўз халқларингиз, кўп миллатли Ватанимиз тақдири учун масъулиятингизга мурожаат қилмоқдамиз.

Боқуда ва Озарбайжоннинг бошқа аҳоли пунктларида, шунингдек Арманистоннинг бир қанча районларида содир бўлган фожияли воқеалар совет кишиларининг юрак-бағрини ўртаб юборди. Қон тўкилди, бебошлик ва ур-йўқит оқибатида одамлар қурбон бўлди. Қурол-яроғ ва ўқ-доррини қўлга киритиш мақсадида ҳарбий объектларга, ички ишлар муассасаларига ҳужум қилинмоқда. Иккала республикада ҳам

жангарилар гуруҳлари тузилмоқда. Энг муҳаддас нарсас — СССР давлат чегараси бузилмоқда.

Экстремист кучларининг масъулиятсизлиги билан қилаётган жинояткорона хатти-ҳаракатлари, шафқатсиз зўравонлик ва ваҳшийлик фактлари ҳақли равишда мамлакат аҳлининг қаҳр-ғазабини кўзгамоқда, айбсиз жабрдийдаларга совет кишиларининг раҳми келмоқда. Авж олиб кетган можародан аввало, болалар, аёллар, қариялар жабр кўрмоқдалар, фарзандларингиз ҳалок бўлмоқда, мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг болалари — ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг ходимлари ҳам қурбон бўлмоқдалар. Халқ хўжалиғига жуда катта зарар етказилмоқда. Совет халқлари

оиласининг маънавий негизи бўлган ҳақиқатлик ва ҳамкорлик руҳига ҳам ўрнини қоплаб бўлмайдиган зарар етмоқда.

Бундай давом этиши мумкин эмас! Қандай қилиб бўлса ҳам душманлик, бебошлик ва зўравонлик тўқинини тўхтатиш лозим. Жазосиз жиноятлар содир этилишига, она-еримизга кулфат ва бахти қаролик уруғлари сепилишига йўл қўйиб бўлмайди. Миллий ҳис-туйғулар билан чайқовчилик қилишга, одамларни кўр-кўрона нафрат ва ақлдан озитиш жариғи итаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бугунги фожиянинг пайи қирқилмаса, эртага у миллий

ҳалокатга айланиши мумкин. Совет кишилари СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Қорабоғ автоном областида ва Озарбайжон, шунингдек Арманистоннинг баъзи бошқа районларида фавақулдада ҳолат эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тушуниб қутиб олдилар. Улар бу фармонни мажбурий, аммо бетамом зарур тадбир деб билмоқдалар, биздан жуда қатъият билан ҳаракат қилишни талаб қилмоқдалар. Мамлакат раҳбарияти: барча зарур чоралар кўрилади, деб маълум қилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми,

СССР Министрлар Совети сизларнинг ҳаммаингизни — озарбайжонлар ва арманларни, эркаклар ва аёлларни, оқсоқол қариялар ва ёшларни ақл-қароқ овозига қулоқ солишга, экстремистларни тийиб қўйишга, ивгогарларни фош этишга, зўравонларни тўхтатишга, айданганларни тўғри йўлга солишга чақиради. Биз сизларни мамлакат раҳбарияти, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, ички ишлар министрлиги ва Совет Армияси қўшинлари, чегарачиларининг тинчлик ва ҳуқуқ-тартиботни тиклаш юзасидан куч-ғайратларини қўллаб-қувватлашга даъват этамиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

М. С. ГОРБАЧЕВнинг кириш нутқи

Азиз ўртоқлар! Ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг Бутуниттифоқ кенгашини оча туриб, аввало сизларни Ғарбий Марказий Комитетнинг қарорига мувофиқ ўтказилаётган шу учрашувда табрикламоқчиман, сизлар орқали мамлакатимиз меҳнаткашларини табрикламоқчиман.

Биз ушбу кенгашнинг ваколатли характерини ҳам, унинг ўтказилиш вақтини ҳам бутун ҳал этилаётган қайта қуриш, жамиятимизни янгилаш вазифаларини ҳам эътиборга олиб, унга катта аҳамият бералмиз.

Долзарб масалалар, муаммолар хусусидаги фикрингизни мулоҳазаларингизни эшитмоқчимиз. Қайта қуриш ўз ривожланиш қийин, ҳатто айтишнинг мумкинлиги, ҳал қилувчи босқичга қадам қўйди. Маълум даражада, минтнлар даври, гарчи улар ҳали ҳам ўтказилиб турган бўлсада, ортада қолди. Қайта қуриш сиёсати, унинг асосий мансаблари хусусидаги мунозаралар ортада қолди. Биз ана шу сиёсатни амалга оширишнинг го'ят муҳим босқичга етиб келдик.

Қайта қуриш ҳам кенгайиб, ҳам чуқурлашиб, беоёғ мамлакатимизнинг барча қатламларини, турмушимизнинг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда. Модомки, чуқур, асосли ўзгаришлар ҳақида гап бораётган экан, бундан сиз жамият янгилана олмайдми, ўзининг янги-ча амал қилиш даражасига, уни янги-ча ташкил этиш даражасига чиқа олмайдми, бу жараён кескин шакллarga ҳам кириб бормоқда, буни ҳаммадан сезиб турибсиз, ҳаммамиз сезиб турибмиз. Биз эски билан янгининг, турли маъқелар, фикрлар ва турган гапни, манфаатларнинг ҳал қилувчи тўқнашувда иштирокчилар бўлиб қоламиз. Одамлар ҳозирги вазиятни билиб олишнинг, унинг истикболларини тушунишнинг, барчамизни эртага нималар кутаётганини тушунишни истайдилар.

Қайта қуришни, унинг йўналишини таялаб олишда хатоларга йўл қўймадикми, деган савол туғилади. Турган гапни, ҳамма ижобий ўзгаришлар қанчон барқарор тус олишини ва салмоқли натижалар берадиган бўлишини билишни истайдимиз. Буларнинг барчаси табиий, ҳаётий масалалардир. Чунки бизнинг одамларимиз шундайки, уларни ўз тақдиринга эмас, шу билан бирга меҳнат коллективни, республикаси, халқни, бутун мамлакатнинг тақдирини ҳам қизқиртади.

Бугунги муҳокама олдидан шу муносабат билан нималар демоқчиман? Биз доқлад қилмасликка, балки мумкин қадар кўпроқ вақтни сизга беришга қарор қилдик, бунинг устига кейинги вақтда сиз кўп доқлад ва нутқлар тингладингиз. Эҳтимол, ишчи сингнинг нутқларингиздан, мулоҳазаларингиздан бошлаш тўғри бўлур эди. Умид қиламанки, сиз бу ерга, Катта Кремль саройининг залига ана шундай мулоҳазалар билан келгансиз.

Хуллас, ушбу кенгашда мунозара олдидан кириш нутқидан қуйидагиларни айтмоқчиман.

Энг аввало шунга таъкидламоқчиманки, кимнингдир хом хаёли, кимнингдир субъектив истиғи, интиҳили, нафсонияти эмас, балки ҳаётнинг ўзи бизни туб қайта қуриш го'яларига олиб келди. Қайта қуриш биз учун зарур. Биз аввалгидек аяш оламаймиз, вассалом. Қайта қуриш бизга ҳаводек зарур. Социалистик тузумимизнинг имкониятларини юзага чиқариш учун зарур. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида биз туپланган жуда катта капиталдан фойдаланиш учун зарур. Бундан мен жамиятимизнинг илмий-техниканави ва бутун ақлий қудратини назарда тутаман. Ҳозирги авлодларнинг ҳам, келажак авлодларнинг ҳам ҳаётини яхши таъминлаш учун қундан-қунга яхшироқ тасарруф этишимиз керак бўлган жуда катта ресурсларни назарда тута-

ман. Биз социал муносабатларни ташкил этиш соҳасида катта тажриба туғладик, бу ҳам тузумимизни, халқ тузумини янги-ча тушунишга эришиш учун пухта фикрланиши ва фойдаланилиши керак. Нихонт, энг муҳим гапни айтишни истар эдим. Қайта қуриш сиёсатининг бошланғич нуқтаси — ҳар ҳолда инсон тўғрисида раҳмўрликдир. Биз айни қайта қуриш сиёсатининг марказига инсонни, унинг турмуши ва таъминларини, манфаатлари ва интиҳилларини, янги авлодларнинг ишончли келажакни қўйдик. Бутун экономикамизни, сиёсий жараёни маънавий тараққиётнинг худди ана шу томонга қаратиш, бурбоб юбориш, одамларни ишлаб чиқариш воситаларидан ҳам Советларнинг ишончли, мамлакатини бошқаришда, иштирок этишдан акрალიб қилиш натижасида улар тушиб қолган ҳолатдан чиқариш энг муҳим масаладир. Албатта, бу таърихий кўламага эга бўлган вазифалар. Бошқача қилиб айтганда биз социалистик йўлдан воз кечмаслигимиз ўқда турсин, балки жамиятни янгилаш орқали социалистик тузумнинг инсонпарварлик характерини очиб бermoқчимиз. Инсонпарвар, демократик жамиятга бermoқчимиз. Иқтисодийиёти жушўчи бўлган фан ва маданияти юксак даражада эришган, инсонга лойиқ турмуш даражаларига эга бўлган жамият сари бoришни истаймиз.

Аслини олганда қайта қуришнинг формуласи ва асосий нишиси шундир. Биз интилаётган жамиятда инсон ҳуқуқлари пухта ва ишончли суръатда ҳимоя қилинган, муносиб ҳаёт кечирishi учун, юқориди айтганимдек барча шароитлар яратилган бўлиши керак...

Ҳозирги беш йилликнинг тўрт йили катта ишларга изланишларга бойдир, яқин келажак учунгина эмас, балки истиқболдаги ўн йилликлар учун ҳам давлат ва мамлакат тақдирини белгилайдиган қийин, муҳим қарорларни қабул қилиш билан бойдир. Улар жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, социал ва маънавий соҳаларидаги дастлабки ўзгаришлар билан бойдир. Ҳар доим бўлганидек, дастлабки қадамлар — энг қийин қадамлардир. Улар кўп фикрлашга, безовталikka, адолатли безовталikka сабаб бўлмоқда, чунки гап бизнинг ҳозирги ва эртанги тақдиримиз ҳақида бermoқда.

Бугун айтишимиз мумкинки, қайта қуриш шарофати билан мамлакатимизда демократия ва ошкоралик муҳити қарор топиб бормоқда. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиелларнинг овози борган сари аниқ ва баралла эшитилмоқда. Аммо йўналишми, сиз бу ҳақда — демократия ҳақида ҳам ошкоралик ҳақида ҳам, ўз ролининг ҳақида ҳам ана шу жараёнлар қандай бораётгани ҳақида ҳам фикрингизни айтасиз. Ўйлайманки, сизнинг айтадиган гапингиз бор ва биз ана шу ахборот бу ерда партия Марказий Комитети учун баён этилишидан манфаатдормиз.

Бу оддий жараён эмас, лекин у бизга керак, ўртоқлар. Бинобарин биз уни ҳимоя қилишимиз лозим — мен жамиятимизни демократиялаш жараёнини назарда тутаман. Бу жараёни тўхтатиб қoлишни истайдиганларнинг ҳам, ундан кейинги мақсадлар йўлида фойдаланишни истайдиганларнинг ҳам фикрини эшитишни хоҳлаймиз. Ҳолбуки уларнинг ҳар инккаласи ҳам мавжуд.

Биз иқтисодийта чуқур ислохотлар йўлига ўтдик — бу ҳол мулчилик муносабатларини, ҳўжалик юритиш ва бошқариш шакллари қамраб олди. Ишлаб чиқаришда одамнинг маъвоён ача ўзгармоқда, бу эса ҳаётнинг асосий соҳасидир. Бизнинг жамиятимиз қандай бўлиши иқтисодийтаги ўзгаришлар қандай бoришига, қандай тусга киришига ҳам ҳал қилувчи даражада болғиқ бўлади. Бу биз жамиятимиз-

нинг базиси деб аташга ўрганиб қолган нарсасидир.

Қайта қуриш халқ ҳўжалигининг ҳамма тармоқларида чуқур иқтисодий-иқтисодий ўзгаришларга йўл очиб берди. Биз ҳўжалик юритиш ва бошқаришнинг янги шакллари, рағбатлантиришнинг янги системасини орқали меҳнат унумдорлигининг янги даражасига чиқи олиш учун меҳнаткаш инсонларнинг манфаатларини фан-техника тараққиётининг ютуқлари билан қўшмоқни истаймиз. Қайта қуриш арафасида аранг ошиб борган меҳнат унумдорлигининг янги даражасига чиқи олишни истаймиз. Меҳнаткашнинг манфаатдорлигига ҳамда фан-техника тараққиётининг фойдаланишига асосланган меҳнат унумдорлигини ўстиришсиз эса ҳеч қандай янги меҳнат даражаси бўлмайди.

Сиёсий ислохотнинг биринчи босқичдан қийинчиликлар ва хатолар бўлса ҳамки, ўтирди. Бу йўлдан сизнинг кўз ўнгига ўтирди. Халқ ҳокимияти органларининг юқори қатламлари ташкил этилди, янги СССР Олий Совети таъриба туғламоқда. Қонун ҳўжжатларини янгилаш жадал бermoқда, авж олиб кетган қайта қуриш жараёнлари учун ва ҳўқуқий социалистик давлат қуриш йўлида катта қадамлар ташлаш учун ҳўқуқий асослар яратилмоқда.

Биз республика ва маҳаллий Советларга сайлов арафасида турибмиз. Бу сайлов сиёсий ислохотнинг янада чуқурлашувини аниқлатади ва одамларнинг давлатни бошқаришда амалда иштирок этиши учун янги имкониятлар очиб беради. Сиз бу жараёни қандай баҳолашингиз биз учун жуда муҳимдир, биз бунга жуда катта аҳамият берамиз. Советларнинг маъвоён ва ролидаги туб ўзгаришлар уларнинг янги вазифалари орқали ҳам, у ерга келадиганлар орқали ҳам амалга ошиши мумкин. У ерда, Советларда ҳал қилувчи куч бўладиганлар орқали амалга ошиши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси қандай бermoқда? Сиз ҳозиргина жойлардан келдингиз, ҳамма ишлар кўз ўнгизда амалга оширилмоқда.

Мен бизда ташвишланиш бор, деб айтман. Бу ташвиш ҳали ўтиб кетгани йўқ. У аввалги сайлов кампанияси жараёнида, сиз билан биз СССР халқ депутатларини кўрсатган ва сайлаган вақтимизда пайдо бўлган эди. Ушбу жараёндаги камчиликлардан ҳозирги босқичда ҳам ҳали қутилганимиз йўқ.

Ўртоқлар, айни ҳозирги йилда, олдинда турган сайловни ҳисобга олиб, иттифоқ ва республика органларининг ҳўқуқдорларини аниқ белгилаб қўйиш тўғрисидаги қарорларни, маҳаллий ўз ўзини бошқариш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши ҳисобга олган ҳолда ҳокимиятни Советларга топириш масаласи кўп жиҳатдан ҳал қилинади. Худди ана шу мақсадда биз ҳозирги босқичдаёқ Советларга мамлакатнинг ҳамма регионларида энг кучли кадрларни кириштириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қадам қўйдик. Худди шунинг учун ҳам гарчи баъзи бировлар бошқача талқин қилишни истасаларда, биз ҳамма қийинчиликларга қарамай, ана шу ҳодимларнинг иш ҳақи масаласини ҳал қилаётмиш, чунки у ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганларнинг иш ҳақидан бир ярим баравар ва ҳатто икки баравар кам эди. Ҳолбуки, худди ўша ердан энг фаол, саволди ва билимдон кишилар келмоқда, ҳеч қаерда керак бўлмаган одамлар эмас, балки ана шулар Советларда ишлаши керак.

Қайта қуриш маънавий соҳада жушўчи ўзгариш жараёнида иштирокчи қиларди. Ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлган каби бу соҳада ўзгаришлар бир текис бораётгани йўқ, мен-

га қолса, зиддиятли бermoқда, деган бўлур эди. Бу ҳол кўп ташвиш ва ҳақдон туғдирмоқда. Шунга қарамай, ҳар қанча камчиликлар бўлса ҳам бу соҳада асосий тенденция кўзга ташланаётир. У жамиятнинг маънавий жиҳатдан қайта дунёга келишидан, социалистик умуминсоний қадриятлар негизда янги маънавий муҳитнинг шаклланишидан иборатдир. Худди ана шу асосий, соғлом тенденцияни мустаҳкамлаш керак. Ҳар қандай қўлиқчи қарши, жамиятнинг маънавий, қайта дунёга келиш жараёнини лойқалаштириш учун бизга ташқаридан тикиштирилаётган барча нарсаларга қарши қатъий билан қурашиш керак. Шу ўринда ҳамма нарсани ўз номи билан аташдан уялмаслик зарур.

Аслини олганда ўзгаришлар давомида покляниш, назаринида янгиланган жамиятнинг характерини белгилаб берадиган ҳаётнинг янги шакллари яратиш жараёни бermoқда. Ҳозирги иқтисодий-иқтисодий кескинлик чоғида биз, эҳтимол, ҳамма вақт ҳам ўзгаришларнинг дастлабки реал натижаларини пайқамайётганмиз. Лекин булар бор. Саросимга ташвиш қолмаслик: ҳамма нараса вайрон бўлаётир демаслик учун буни ҳам кўрмоқ зарур. Ҳолбуки, эски нарсалар вайрон бўлаётир. Олдинги авлодлар яратган муҳим, қимматли нарсалар ҳам бунда зарар кўрса, унда бошқа гап. Ана шу нарсаларни сақлаб қoлиш керак. Умумий куч-ғайратимиз билан сақлаб қoлишимиз, ҳеч кимнинг уларни бузишига имкон бермаслигимиз керак.

Гарчи қийинчиликлар билан бўлсада, иқтисодийимизни инсоннинг қилма-хил эҳтиёжларини қондиришга қаратиш ишлари бermoқда. Бу биз амалга оширишимиз керак бўлган ҳал қилувчи бурилишлар. Албатта, жуда катта иқтисодийимизнинг инерцияси шундайки, унинг бурилиши учун вақт талаб қилинади. Сизларнинг олдинда бу ҳақда узоқ гапириб ўтиришимизга ҳожат йўқ. Чунки ҳатто бир заводнинг соҳасини ўзгариштириш ёки янгилаш учун ҳам унинг йўлларини аниқлаш, ресурслар қидириб топиш, ҳамма нарсани фикрлаб кўриш ва шундан кейингина ишлаб чиқилган ланини амалда рўбга чиқариш талаб қилинади. Энди иттифоқ иқтисодийи каби жуда катта иқтисодий-иқтисодий организм ҳақида йўлаб кўрайлик, — бунда жуда катта куч-ғайрат ва вақтинга эмас, шу билан бирга жуда катта масъулият ҳам талаб қилинади.

Шунга қарамай, структурада силжишлар бошланди. Бу силжишлар халқ истеъмоли мумкин ишлаб чиқарадиган ва хизмат кўрсатадиган тармоқлар фойдасига, энг аввало енгил, озиқ-овқат саноати ва аграр комплекс фойдасига олиб бoрилмоқда. Ҳозирча биз бу силжишнинг юз беришидан, айтиш мумкинки, ана шу томонга бурилиш қай даражада бораётганидан қаноатланмаётимиз.

Мазкур вазифаларни ҳал қилишга ҳозир машинасозлик тармоқлари, мудофса сектори, фаннимиз жалб қилинмоқда. Тovarлар ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатиши қўлайтириб бораётган қорхоналар учун иқтисодий рағбатлар қадам-қадамга кучайиб бermoқда. Ҳозир миллий даромад ресурсларининг истеъмоли ва ишлаб чиқариш қурилиш мақсадларига фойдаланилаётган улуши, ўртоқлар, 83 фоизга етиди. Шу беш йиллик арафасида бу рақам 80 фоиз атрофида эди.

Беш йилликнинг ўтган йилларида кўпроқ маблағлар уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишига сарфланди. Уларнинг ўртача ҳажми учдан бир ҳиссадан кўпроқ ошди. Ўртоқлар, бу нимани аниқлатади? Сиз билан биз учун, ҳаётимиз учун нима берди? Уй-жой қурилишининг ўрта-

ча йиллик ҳажмлари 16 фоиз ошди ва тўрт йил мобайнида белгиланган топириқдан ташқари 11,3 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Бу эса қўшмача суратда сал кам икки юз минг янги квартиралар, Тўрт йил ичида мактаблар, поликлиникалар ва клублар олдинги беш йилдагидан кўпроқ ишга туширилди, яъни биз тўрт йилда айтиш мумкинки, бир йилни ютдик. Шу билан бирга қишлоқда уй-жойларни фойдаланишга топириш бир йилда ўртача 19 фоиз, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, клублар, маданият уйлари фойдаланишга топириш — 26—59 фоиз, поликлиникаларни фойдаланишга топириш икки баравар ўсди.

Ҳозир коллектив болларда ўз ерига эга бўлган оилалар сони — бу соҳада, айтиш мумкинки, шов-шув жуда катта, — аслида икки баравар қўлайди! Ҳолгина қурилиш материаллари сотиш ҳам шу йиллар мобайнида тахминан икки баравар ошди. Лекин сиз: барбoр немент ҳам, гишт ҳам, айнақса ёғоч-тахта материалларини ҳам сотиб олиш қийин дейишингиз мумкин.

Мана шу ўзгаришларни қайд этиб эканмиз, уларни яна ҳам ошириб бoришни, инсоннинг қудалик ҳаётига бевосита дахлдор бўлган жуда муҳим йўналишларни давом эттиришни ўйлашимиз керак. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта ўлароқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноатнинг ўсшидан ўзиб кета бошлади. Бу умуман бизнинг иқтисодийимиз учун жуда муҳимдир. Чунки у мутлоқ босқич йўналишга қаратилаган эди. Шунинг натижаси ўлароқ 1988 йилда чакана товар обороти ҳажми 25 миллиард сўмга, ўтган йили эса яна 37 миллиард сўмга қўлайди. Илгари бу рақамлар 8—10 жуда кўп деганда 15 миллиард сўмдан ошмас эди.

Совет онлаларида узоқ вақт фойдаланиладиган маданий-маиший буюмлар қўлайди: рангли телевизорлар 1,7 баравар, магнитофонлар 30 фоиз ошди. Енгил автомобиллар, ҳолидильниклар ва шу кабилар қўлайди. Мен бу рақамларни ана шунинг учун ҳам келтирайман. «Натура ҳолида» санаб кўрсатайманки, ҳозир мана шундай бир фикр бор (буни иқтисодчиларимиз айтиб беришган): ўсшини процент ҳисобига, яна бунинг устига пул ўлчовида кўрсатиб, нима қиласиз. Буларнинг ҳаммаси нархнавоининг ўсши ҳисобига юз бermoқда. Мен натурал кўрсаткичларини ҳам шунинг учун келтирайманки, бу ўз-ўзидан кўриниб турган нараса. Озин-оққа товарларига тегишли бўлган кўрсаткичларни — натурал кўрсаткичларини айтиб ўтмоқчиман.

1985 йилда давлат ресурслари хом ашёсидан 9,6 миллион тонна гўшт этиштирилган эди. 1989 йилда 11,4 миллион тонна, яъни 1,8 миллион тонна кўп гўшт этиштирилди. Чорва мол эмас, балки гўшт этиштирилди. Шунга мувофиқ ҳолда мол ёғи 1,5 миллион тонна, ўтган йили эса 1 миллион 700 минг тонна этиштирилди. Қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотлари тегишли суратда 29,5 ва 33,8 миллион тонна, қанд лавлагидан олинган шаккар 7,6 ва 8,8 миллион тонна, ўсимлик мойи 2,4 ва 3 миллион тонна этиштирилди. Буларнинг барчаси ҳатто аҳолининг қўлайишини ҳисобга олганда ҳам мамлакатда аҳоли жон буюмига кўлайтириш имконини берди. Бу гаплар енгил саноат маҳсулотларининг қўпгина турларига ҳам тааллуқлидир.

Сизда аллақачон савол туғилган бўлса керак. Биламан, сиз ана шу саволлар билан келгансиз. Худди шунга ўхшаб биз ҳам ана шу саволни ўзимизга бераймиз, жамиятдаги (Давоми 3-бетда).

УЧ-ТҮРТ КУНДА БИР ДАСТА

ЯҚИНДА хизмат юзасидан пойтахтимиздан 300 километр узоқроқда бўлган Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ноҳиясидаги Мойбулоқ совхозда бўлишга тўғри келди. Не кўз билан кўрайликки, кундалик газеталар ўша кун б ерга етиб келар экан.

Шунда Тошкентдан бор-йўғи 6 километр узоқроқда жойлашган Калинин ноҳиясидаги Солнечный посёлкисда жойлашган алоқа бўлимидаги почта ходимларининг ўз ишларига муносабатлари ёдиданга тушди. Биз 150 сўмдан кўпроқ газета ва журналларга обуна бўлганмиз.

Бизга ҳар уч-тўрт кунда газеталарин бир марта олиб беришди. Хат ташувчимиз ўзи яхши йнгит. Ундан газеталаримизни нега ўз вақтида олиб келмайсиз! — деб сўрасак, «Менинг теграм катта, уч киши ўрнига бир ўзим ишлайман. Оладиган иш ҳақим эса бор-йўғи 80 сўм», деди. Инсо-

нийлик юзасидан унга ҳам раҳимимиз келди. Бу камчиликларин бартараф этишни илтимос қилиб ноҳия алоқа бўлимига Солнечный посёлкисдаги алоқа бўлими бошлиғига мурожаат қилдик. Улар «Ишни яхшилаймиз», — деб берган ваздаларни амалга оширишга аҳвол авадлгандан ҳам ёмонлашиб кетди. Билмадик, бу аҳвол қачонгача давом этаркин!

Ю. АБДУВАЛИЕВ,
С. УТАНОВ,
Калинин ноҳиясидаги У. Юсупов маҳалласи.

РЕДАКЦИЯГА
КЕЛГАН
ХАТЛАРДАН

АКС
САДО

ТЕАТРДАН МАКТУБ

ГАЗЕТАНИНГ 1989 йил 18-ноябр сонида эълон қилинган «Ая қариялар уйидами?» деб номланган мақолада театримиз шаънига бирмунча асоссиз таъналар битилгани бизни таажжубга солди. Мақола коллективда муҳокама қилинганди ҳам ҳар биримизнинг дилимизда «Нега энди сеvimли газетамиз ходимлари ўзбек музыкали драматик бешигига айланган, ўнлаб қайтарилмас актёрлар сиймосини тарбиялаб воёга етказган муқаддас даргоҳда ижод қилаётган ёшларнинг бирортасидан шу гаплар ростми, деб сўрашга боғинишмабди» деган ўй-хаёллар яшайди. Мабоодо сўрашганда, биз эзгуликнинг юксак чўққисини меҳр-оқибат, қадр-қиммат, инсонийлик коллективимизни ҳеч қачон тарк этмаган, ҳаммаси қил-қилд уйдирма деб жавоб берган бўлур эдик.

Ахир бутун умрини, ақли-дрокнини, жону танини санъатга бағишлаган, музыкали театр пойдеворига гишт қалаган, «Ўзбекман» деган ҳар бир театр ва кино мухлиснинг юрагига кириб, фахрига айланган улкан санъаткорни унутиб бўладими? Ахир Лутфихоним Саримсоқова ўзбек саҳна санъатининг «Алжониси» — «Ая»сига айланган мўтабар зот бўлса? Наҳотки, унинг дийдорига тўйиш, бир дақиқа бўлса ҳам ул инсоннинг суҳбатини олиш ёҳуд бир пиёла чой устида гурунглашишни орау қилмаган ижодкор топилади деб ўйласангиз? Йўқ, албатта! Биз, муқимийчилар ҳам ана шу оддийгина инсоний ҳақиқатдан, меҳригилликдан бегона эмасмиз. Биз ҳам эъзоэ-эҳтиромни ва эътиборни ҳуш

қураимиз. Чунки театримиз бўнёд бўлибдики, саҳнамиз онахон ва отахонларнинг уйларига тез-тез бориб, аҳвол сўраб туриш бузилмас аънаанага айланган. Жумладан, бир ёки икки ойда Аянинг ҳам хонадонинда бўлиб, иссиқ-совуқлардан хабар олиб туришни ўзимизга қара деб биламиз. Аяниқса, Аянинг уйи коллективимиз аъзоларидан — Ўзбекистон ССР халқ артисти Фароғат Раҳматова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Марям Ихтиёрова, Наима Пулатова, Нонна Ортинковаларнинг иккинчи хонадонига айлиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, театр маъмурияти, ижодий раҳбарият, касба союзу ва комсомол ташкилоти ташаббуси билан даярли ҳар байрамда, туриданг кунлариди нафақат Лутфихоним аянинг, балки кекса санъаткорларимиздан — Ўзбекистон ССР халқ артистлари Омина Фаёзова, Турсуной Жаъфарова, Машрабхон Юнусов, концертмейстер Маргарита Фурман ва бошқа қатор кекса санъаткорлариникига бориб, уларни муборакбод этиш доимий тус олган. Еки театримиз мураббийлари билан бўлиб ўтадиган қизгин учрашувларнинг ҳар бирининг байрамга айланишига, бизга олам-олам ижодий куч бағишлашига кўникиб қолганмиз. Масалан, мақола эълон қилинмасдан бир неча кун илгари ана шундай ўчмас воқеалардан бири бўлиб ўтди. Лутфихоним Саримсоқовани театрга кўтариб олиб келдик. Қўшиқ ва яллалар айтилди. Ая ҳам бизларга қўшилиб куйлади. Дийдор кўришлар, самимий дилохунликлар қаҳда-

ҳаларга уланди.

Тўғри, мақолави бошидан охиригача асоссиз дея олмаймиз. Унда ҳулоса чиқаришимиз учун арзийдиган гаплар бор. Масалан, бошланғич партия ташкилоти секретари Аядан бир йўла тўрт ойлик фирқалик бадалини олиб, дафтарчасига муҳр босиб бергани гаъриқонувий бўлган. Бу масала театр партбюросида кўриб чиқилди, албатта. Шу билан бирга ҳурматли редакция ходимларидан илтимосимиз шунки, театр қаҳида таъкидий материал эълон қилганда ҳам қондошлар билан биргаликда факт ва далилларга асослансалар биз учун, қолаверса, театр мухлислари учун фойдалан ҳоли бўлмасди, театрининг оёрунин номанбул гаплардан, «миш-миш»лардан сақланган бўлур эдилар. Ана шу жавоб хатимизни газета саҳифаларидан бирнда эълон қилишингизни қатъий сўраймиз.

Ҳ. НОСИРОВ,
театр партия ташкилотининг котиби.
(Жами 37 ишзо).



ХОТИРА ЭЪЗОЗГА МУҲТОЖ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» сўнгги вақтларда маданият, тимиз, маънавий қадриятимиз билан боғлиқ масалаларни кўтариб, меҳр-оқибатни, одамлар ўртасидаги инсоний муносабатларни ардоқлашга бағишланган мақолалар ёритиб, жуда хайрли иш қилмоқда, деб ўйлаймиз. Атоқли санъаткор Лутфихон ая Саримсоқова қаҳидаги мақола ҳам ўз вақтида чиқди. Зеро, муҳтамама артисткани «қариялар уйига олиб бориб қўйибдилар», деган миш-мишлар қаҳиқатан ҳам одамлар ўртасида тарқалиб кетган эди. Газета бундай «миш-миш»ларга чек қўйди. Мақола эълон қилингандан сўнг Ўзбекистон телевидениеси «Лутфихоним Саримсоқова» деб номланган кўрсатуви тақроран намо-

иш этгани ҳам мақсадга мувофиқ бўлди. Яхшиямки, бундан бир неча йил аввал эндиликда ноёб бўлиб қолган ушбу жонли лавҳалар лентига олиб қўйилган экан. Маана, энди машҳур санъат намояндалари Разоқ Ҳамроев, Соиб Ҳўжаевлар орамизда йўқ. Бироқ ёзиб олинган ушбу ленталар тудайли улар ҳамиша триркирлар.

Sevimli Муқимий номли музыкали театримиз ижодкорлар-ю, масъул ходимларига келсак, уларнинг санъатимиз равишига жуда катта ҳисса қўшган, кўп йиллар мобайнида ана шу коллектив санъаткорлари билан бир саҳнада ижод этиб келган, эл меҳрини қозongan санъат намояндаларига, аяниқса, орамиздан кетганларига дурустроқ эътиборда бўлишларини истар эдик. Муқимийчиларимиз хафа бўлмасинлар, ушбу театр саҳнасида мислсиз ижод этиб келган аjoyиб артистлардан Шаҳодат Раҳимова, Эътиборхон Жалилова, Рауф Волтаев, Рихсвий Шокировларнинг оламдан ўтиб кетганига анча бўлса-да, лекин уларнинг бирон марта юбилейи ёҳуд хотира кечаси ўтказилганича йўқ. Халқ уларни жуда севарди. Бу санъаткорларни хотирлаб турмоқ ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлаймиз.

Бу театрда бундан аввалги йилларда бир янгилик пайдо бўлган эди: томоша бошланишидан аввал ва танаффусда ҳам ўт ўчирувчиларнинг сигналдек чиқариладиган қўнғирқў ўрнига машҳур халқ артисти Соиб Ҳўжаев иштироки билан мауроқли ўтган «Топшолта

ошиқ» спектаклидан ҳаммамизнинг дилимизга «Уралбай кўз» қўшиғининг оҳанги таралар ва томошабинларни залга таклиф этарди. Аммо кейинчалик негадир нафосатта ундовчи ушбу топилма унутилди ва томошабинни қарқулоқ қиладиган эски қўнғирқў қайта ўрнатилди. Ахир у муқимийчиларнинг ибратли тадбири эди-ку!

Қани энди Алишер Навоий номли академик опера ва балет Катта театри спектакллари олдида ва танаффусларда ҳам машҳур «Лайли ва Мажнун»даги аjoyиб, ҳаммамизнинг қўнғилмизини забт этган «Сеғоҳ» қўшиғи оҳанги таралиб турса. Шунинг ўзи ҳам халқимизнинг сеvimли хонадалари, ушбу театрининг буюк артистлари, Қайс-Мажнуннинг унутилмас ижрочилари — Муҳиддин Қорнқубов, Бобораҳим Мирзаев, Қобилқори Сиддиқов, Гулом Абдураҳмоновларга ўзига ҳам ёдгорлик бўлмайдинми? Томошабинларга бу улар хотирасини эслайтиб турмайдинми? Қаҳиқатини айтилган бўлсақ, Бобораҳим Мирзаев, Қобилқори Сиддиқов, Гулом Абдураҳмонов, Назира Иноғомова ва шахста сигиниш даврининг қурбони бўлиб кетган қайтарилмас овоз соҳиби Саъдулла Норхоновнинг ҳам хотира кечалари ушбу театрда ҳанузгача ўтказилгани йўқ. Санъаткорларимиз саҳна асарлари орқали одамийлик, меҳр-оқибатни ташвиқ этарканлар ўз сафдошлари, марҳум қасбдошларини ҳам ёдлаб туршларни юксак инсонийликлар деб ўйлаймиз.

С. СИДИҚҲУЖАЕВ,
«Хурмат Белгиси» ордени ишондорни, меҳнат ветерани,
Н. СОДИҚҲУЖАЕВА,
пенсонер.

АКС
САДО

РЕДАКЦИЯДАН: «Тошкент ҳақиқатининг ўтган йил 18-ноябр сонида газетонимиздан келган мактубга жавоб тариқсидида «Ая қариялар уйидами?» деб номланган мақола эълон қилиниб, унда халқимизнинг сеvimли санъаткори Лутфихоним Саримсоқованинг ҳаёти ва ижодига қисқача тўхталган, энг муҳими, «Ая қариялар уйида яшашти» деган миш-мишлар ёлғонлиги, у киши ўз фарзандларни бағрида эканлиги қаҳида хабар берилган эди. Ая мақола муаллифларига ўзининг ҳол-аҳволидан хабар олиб турган кишиларни ҳам эслатган, «яқинда оёқга турсам, ўзим «Муқимийга» бориб, бир зиярат қилиб келаман» дегани, санъаткорнинг набира-қизи Фазилатхон эса баъзи бир камчиликлар, аниқроғи, Ая тўқсон уч ёшга тўлган кунини эътиборсиз қолгани ва унинг учун халқро киноанжуманга таклифнома ололмади сарсон бўлгани қаҳида хикоят қилинган.

Бунин қарагини, Муқимий номли театрда келган жавоб хатига эзгу мақсад йўлида эълон қилинган маъзур мақоладаги барча фикр-мулоҳазалар ва фактларини «асоссиз таъна», «хаммаси қип-қизил уйдирма» сифатида қабул қилишмиди! Шуниси характерлики, юқориди хатга имзо қўйганлар ўзларини ҳар жиҳат-

дан ҳақ, беками-кўст, меҳр-оқибатли кўрсатишга ҳаракат қилишиб, хатга Ая билан бирга театр ҳовлисида турган суратларини ҳам илова этишбиди. Унинг орқа томонига «Сурат 1989 йил 12-октябрда олинган» деб ёзиб ҳам қўйилган. Бир қараганда, улар Аяни «кўтариб театрга олиб келишган». Уни кўрган газетконлар ҳам таъажубланишлари, табиий. Аспида ҳам шундаймикан!

Биз бор гапни ойдинлаштириш мақсадида Аяга даҳлдор бўлган кишилар билан учрашиб ва телефон орқали боғланиб, сўхбатлашдик.

Фазилат САРИМСОҚОВА — Аянинг набира-қизи: — Нима ҳам дердик!! Қаҳкатта одамлар, устига-устак санъаткорлар уялмасдан ёлғон гапириб ўтиришса-я!! Илгари хонадонимизга келиб, бувиждан хабар олмаганлари майли-я! «Лутфихоним Саримсоқовани кўтариб театрга олиб келдик» деб ёзишганини қараинг! Сира ҳам уйдок эмас. Буна «театрга олиб боририлган, бир кўриб келая», даяверганларидан кейин ўзимиз олиб борганимиз. Гапимни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Учқун Ганиев ҳам тасдиқлаш мумкин. Айтганча, мана бу суратдан ҳали биз олганмиз йўқ. Шу йилининг 2 январь кунини театр партия ташкилотининг котиби Ҳ. Но-

сиров билан директор ўринбосари бувиимни кўргани келишиди (мақола эълон қилингандан кейин, албатта). Улардан сурат қаҳида сўрасак, ҳали тайёр бўлгани йўқ, дейишган эди. Редакцияга эса «меҳр-оқибатнинг исботи» сифатида тақдим этишбиди-да!

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Учқун ГАНИЕВ: — Фазилатнинг айтганлари тўғри. Аяни театрга мен, Фазилат ва Ботир (Аянинг кўёви) — уювимиз олиб борганимиз. Бир кун аввал Фароғат Раҳматованинг уйига қўнғирқў қилиб, «Ая театрга бораман даятлар, эртага соат 12 ларда бориб қоларимиз», деганиман. Тўғри, санъаткорлар билан яхши кутиб олишиди. Уйин-кулги бўлди, биргалашиб расмага тушидик. Лекин «Лутфихоним Саримсоқовани кўтариб театрга олиб келдик», деб ёзганлар мутлақо ёлғон...

Ўзбекистон ССР халқ артисти Фароғат РАҲМАТОВА: — Аянинг уйига бориб дуомо иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб тураримиз. Мақолада эса Фазилат «ҳеч ёлғон олишмайди» дебди. Ҳайронман, нега ёлғон гапирди экан! Энди сурат масаласига келсак, чиндан ҳам биз Аяни театрга таклиф этмаганимиз. Уйдан олиб келмаганимиз, у киши ўзлари келганлар. Тушун-

шимча, шунчаки келмаганлар. Гапнинг очиб, театрининг 50 йиллик юбилейи муносабати билан ўзларига енгил автомашинда берилишини сўраб келибдилар. Бунинг эса иложи бўлмади, чунки у кишига автомашини илгари бир марта берилган эди.

Қисқаси, инсоф ҳар кимнинг ўзига берсин экан. Шахсан ўзим шунингдек, кўпгина санъаткорлар Аядан хабар олиб турсагу Фазилат рад этаркан... Талашлик-тортишнинг фойдаси йўқ, шекилли.

Кўрпаксизки, ҳурматли газетхонлар, майда-чуйда воқеаларни ҳисобга олмаганда, фикрлар даярли бир жойдан чиқмоқда: Аяни театрга олиб келишмаган. Гарчи фақатгина машина сўраш учун бўлса ҳам, театрга у кишининг ўзлари бориблар. Мана, сизга ҳурматли муқимийчилар «рад этиб бўлмайдиган факт ва далилларга асосланиш». Биз ўйлаймизки, хатга имзо чеккан 37 нафар санъаткор «ҳеч бўлмагача» редакцияга шунақа хат ёзганлари учун ҳижолат чекишар! Улар Аядан илгари хабар олишганини, йўқми, бундан буён ҳам хабар олиб туришадими?.. Бу нарсалар энди санъаткорларимизнинг ижодига ҳавола. Фароғат опа айтганидек, инсоф ҳар кимнинг ўзига берсин.

ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

«ГУЛИСТОН» журнали ижодий коллективининг навбатдаги йилги «Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 5-январь сонига эълон қилинган «Азиз ҳамшаҳарлар, сўзлар нима дейсиз?» сарлавҳали мақоласининг муҳокамасига бағишланди. Унда журнал бош муҳаррири Мирмуҳсин, масъул котиб Э. Муҳаммад, бўлим мудир Ш. Сиддиқов ва бошқалар сўз олиб, мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, йилгилик қатнашчилари Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳақ номиларини белгилаш (топонимия) комиссиясининг «А. Қодирий» ва «Ойбек» кўчалари кескишунда жойлашган Ғ. Ғулом номи майдонини Абдулла Қодирий майдони деб, «Ғафур Ғулом» метро бекати эса таъмирланиб, А. Қодирий номи бекат деб қайта номланса, деган таклифларини бир овоздан қўллаб-қувватлашди. Шунингдек, улар Чилонзор ноҳиясидаги «Оқтепа» майдонига Ғ. Ғулом номи берилиши ва ўша ерда шoirнинг ҳайкали ўрнатилиши ҳамда қурилаётган метро бекатларидан бири Ғ. Ғулом номи билан аталлишини маъқулладилар.

У. МИРЗАЁРОВ.

«ДУДУҚ» ТЕЛЕФОНЛАР ҚАЧОН ТИЛГА КИРАДИ?

УТГАН йилнинг ўрталарида Киров ноҳиясидаги Юнусобод массивида 22-автомат телефон станцияси ишга тушган бўлса, шу кунгача у меҳнаткашларнинг эътирозига сабабчи бўлмоқда.

Автомат телефон станцияси бошлиғи Т. Шарипов ўз кўл остидаги телефонлардан норози бўлган кишиларни сешанба ва жума кунлари қабул қилади. Уларнинг араз-додларини эшитишда. Амалда эса «дудуқ» телефонлардан э радио товуши, ё бошқа бировларнинг гапларини хоҳлаганингизча эшитишингиз мумкин.

Бошлиқ қабулига келувчилар учун бу ерда ҳеч қандай кулайликлар йўқ, коридорларга бирорта ўриндиқлар қўйилмаган. Амаллаб бошлиққа рубруй бўлибсиз. Араз-додингизни айтсангиз, Рўйхатга олишди. Телефоннингизни тузатиш учун уста юборишди. У ўз вазифасини чала-чулпа бажаргани учун ақвол ўзгармай эскилигича қолаверди. Уйимдаги телефон кетма-кет жиринглайди. Трубкани кўтараман, Палончининг уйими? Йўқ, — дейишни билан дўкка ўтади. Чақириб беринг! Қизиқ, биз яшаётган массивда бир номердаги телефонлар гўё бир вақтда бир неча кишига берилганга ўхшайди.

Квартирамызга не орузлар билан олган телефонимизни хизмат қилиш ўринга галва орттирмоқда. Бу ҳол қачонгача давом этади? Саволимизга автомат телефон станциясининг бошлиғи Тоҳир Шариповдан 22-85-02 телефони орқали эмас, балки газета саҳифасида аниқ жавоб беришини кўпчилик «дудуқ» телефонларнинг эгалари номидан илтимос қиламиз.

Ч. МАХСУМОВ,

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани, пенсиякор.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газета редакцияси ҳузурдаги ҳуқуқ, социалистик қонунийликни тартиб қилиш жамоатчилиги кенгашига меҳнаткашлардан қўллаб-қувватлаш келмоқда. Ана шу саволларнинг айримларига жамоатчилик кенгашининг масъул котиби, юрист А. ҲАСАНОВ жавоб беради:

САВОЛ: Биз уй-жой кооперативига аъзо бўлдик. Уйли бўламиз деб қарздор ҳам бўлиб қолдик. Эшитишимизга қараганда биз ишлётган корхона қарз олган ўз ходимларига ёрдам бериши мумкин экан.

Н. ТУРСУНОВ, Ангрэн шаҳри.

ЖАВОБ: КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети уй-жой кооперативларини ривожлантиришни мақсад қилишга қарор қилди. 1988 йилда қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ корхоналар меҳнат коллективининг розилиги билан уй-жой қурилиши кооперативларининг аъзоси бўлган ўз ходимлари билан кооператив уй баҳосини тўлашда илжайий ёрдам кўрсатилиши ҳақида шартномалар тузилиши мумкин. Бундай ёрдам социал ривожланиш фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ыш стажига 5 йилдан зиёд бўлган ходимларга қарзларининг 10 фоизи микдорда ёрдам берилиши мумкин. Меҳнат стажига 15 йилгача эса 30 фоиз, ундан кўпроқ бўлган тақдирда қарзининг 50 фоизи берилиши мумкин.

САВОЛ: совхозда инженер бўлиб ишлайман. Меҳнатни муҳофаза қилиш билан шугулланман. Ўзимга қарашли мотоциклдан хизмат юзасидан фойдаланман. Чунки менга ўхшашларга совхоз томонидан транспорт ажратилмайд.

К. ПИРИМҚУЛОВ, Оржоникидзе ноҳияси.

ЖАВОБ: ҳа, мумкин. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1962 йил 12 апрелдаги «Агронормлар, зоотехниклар ҳамда бошқа кишлоқ хўжалиги ва совхоз ишлаб чиқариши мутахассисларининг ролини ошириш ҳақида» қарорининг 10-бандига асосан совхоз директорларига кишлоқ хўжалик мутахассислари ўз мотоциклларидан хизмат юзасидан фойдаланаётган тақдирда уларга янги ва молайлаш материалларини бепул беришга рўхсат этилган. Шунингдек бу тартиб колхозларга ҳам тўғрисида этилган.

САВОЛ: пенсия ёшидаман. Тез-тез бетоб бўлиб уйда даволанман.

Яқинда маъмурият мени ишдан бўшатди. Чунки мен ўзимга қўйилган талабга тўла жавоб беролмаётган эдимман. Айтинг-чи, маъмурият мени оғоҳлантирмасдан туриб ишдан бўшатиши мумкинми!

К. СОБИРОВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 4 февралдаги Фармониغا асосан меҳнат қонунига бирмунча ўзгартишлар киритилди. Шунга кўра ишчи ва хизматчилар умумий қариллик пенсияси ёшига (эркаклар 60 ёшдан, аёллар 55 ёшдан) етиб пенсия олиш ҳуқуқини тўлиқ қўлга киритганларида маъмурият улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли дейилган.

Айрим категориядаги (ер ости ишлари, соғлиққа зарарли шартнолардаги ишлар, Узоқ Шарқ ва унга тенглаштирилган жойларда ишлётган ва ҳоказо) меҳнаткашлар қариллик пенсиясига имтиёзли равишда, яъни аёллар 45 ва 50, эркаклар 50 ва 55 ёшдан чиқадилар. Уларга ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишнинг юқоридаги тартиби умумий пенсия ёшига етганларида қўлланади.

Пенсия ёшига тўлгандан кейин ишдан бўшатиш тартиби меҳнат коллективи томонидан сайланганларга (масалан: корхоналар, ишлаб чиқариш, цехлар, участкалар раҳбарлари, мастерлар, бригадирлар ва бошқалар) шунингдек ёши тўлганлик муносабати билан ишдан озод қилиш тартиби айрим категориядаги илмий муассасалар ва ўқув юрлари ходимлари қондага кўра уларнинг лавозимлари 65 ёшга тўлгунга қадар сақланади.

Маълумки, корхоналарда хўжалик ҳисобида ишлаш жорий қилинган ҳар бир ишчи ва хизматчилан аниқ ҳаракат қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашиш талаб этилади. Бундай талаб шу корхонада ишлётган ветеранларга ҳам қўйилади. Бъзъи ҳолларда улар соғлиқлари тўғрисида ишлаб чиқаришда қатнаша олмайд, натижада корхонанинг умумий ишлаб чиқарётган маҳсулотларига салбий таъсир кўрсатташади. Демак, Сиз ишлётган корхона маъмурияти Сиз билан келишмай ишдан бўшатиб, тегишли қонунларга амал қилган.

«3 А Л ТАШҚАРИСИДАГИ «ТОМОША»ЛАР»

16 декабрь 1989 йил

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» газетасида босилган «Зал ташқарисидаги «томоша»лар» сарлавҳали психотерапевт —врач Кашпировскийнинг дөволаш сеансларига сотилган таклифномалар ҳақидаги мақолани қайта-қайта ўқидим. Ўқиб чиқдим, ажабо, ораимизда қанчаллик пасткаш ва юлғич шахслар борлигидан дилим оғриди. Аччиқ-аччиқ кўз ёшлар тўқиди. Йилгидим. Наҳотки, шундай пайтда ҳам олибсортарлик, юлғичлик, бирос соғлиғи ҳақида қайғурса, бошқа биров пул гамида... Битта билет беш юз, олти юз, ҳатто минг сўмга чиқса! Пули кўпга кенг дунё... Пули йўққа тор дунё... Бу мақолани ўқиб анча кун нохуш юрдим. Узоқ ўйладим. Эҳтимол менинг соғлигим яхши бўлганида тақдирим, ҳаётим бошқача бўлармиди? Эҳтимол, ота-онам бойбавалят, пулдор одамлар бўлишига мен ҳам ялтироқ кийимларда товланиб, Кашпировскийнинг сеансларига қатнашармидим? Афсуски мен психотерапевтнинг сехри муолажасига фақатгина телевизор орқалигина муяссар бўлолдим. Ва анча ўзимни бардам ҳис қилдим...

Болаликда шикастланганим оқибатидаги ҳасталик мени ҳамон қийнаб келади. Бъзъан бош оғриб, ҳафталаб ётиб қоламан. Лекин ўзимни қўлга оламан, яшашга интиламан. Фақат яшашга. Одамларнинг турли таъна-дашномалари, пичинглири, фалати қарашларини енгиб яшайман... Чунки ҳаётим саваман. Очқос осмонини, кенг оламни, табиятни саваман. Яшашни саваман. Оқлада кўпчилигимиз. Отам Улуғ Ватан уруши ноғирини. Ҳаётимиз жуда ноҳор. Ойлик ойликка, кунлигимиз кунликка етмайди. Оғир турмуш кечирамиз. Шу сабабли уйдан гурбат армайдим. Мен эса ҳастаман... Аммо хасталигимга қарамай, қари чол-кампирнинг пенсия пули ҳисобига яшашни истамай, қурилишда гишт терувчи бўлиб ишлялман. Қани энди ўша сехрли Кашпировский сеансларидан тўла-тўқис баҳраманд бўлсаму дунёга янгидан келсам...

Ҳ. ҲАМИДОВА,
ТошДУнинг сиртки бўлими талабаси, ишчи.

РЕДАКЦИЯДАН: муаллиф Кашпировский саансларидан дөволаниш йул-йуринини кўрсатиш учун редакциядан ёрдам сўраган. Афсуски, редакция бу вазифани баъариси имкониятига эга эмас.



ТОШКЕНТ шаҳрининг Ақмал Икромов районидagi нусха кўчириш идорасига келган кишилар бу ердаги аҳволни кўриб, ёқа ўшлайдилар. Тор хоналар, йўлақлардан иборат бўлган бу настракмига жойда нафас олиш ҳам мушкул. Хонани отахонлар бундан ўн йил илгари уларнинг дам оладиган жойларига муъжаллаб ҳашар йўли билан қурган эдилар. Аммо уларга бу насиб қилмади. Идорага юмуш билан келганлар биқик хоналарда тик туриб навбат кутадилар. Кейинги йиллар ичида шаҳримиздаги кўпгина нусха кўчирувчи идоралар янги биноларга кўчиб ўтишди. Лекин бу борада Ақмал Икромов район ижроия комитети негандир раҳмхўрлик кўрсатмапти. Бино ремонт қилиниб, отахонларга қайтарилса маъсадга мувофиқ бўларди. Сурагда: идоранинг кўриниши.

Сурагчи М. НАЗАРОВ.

Орастакхон ПОЧТАСИДАН

Қўплан буйи газета саҳифаларида кўринмай қолган эдингиз. Бирор марта сиз билан юзма-юз учрашмадик. Дардимизни кимга айтишни билмай юрган эдик, газетадagi қулиб турган расминизга кўзимиз тушиб хурсанд бўлиб кетдик. Хайратлики соғ-саломат экансиз... Орастакхон, вақт топиб,

КўЧАМИЗГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Собир Раҳимов ноҳиясидаги Сағбон кўчасига ҳам бир келиб кетсангиз. Гап шундаки, мазкур кўчанинг бошида 30-40 сотих келадиган эски қабристон бор эди. Маҳалла аҳли бундан ўн беш йиллар муқаддам ўша қабристонни текислаб мевали, манзарали дарахлар ўтқазди. Ҳозирда дарахларнинг ҳамма-

си ҳосил беради. Бироқ боғнинг шундоқина ёнида ахиллатхона ҳам бўлиб, у борган сари кенгаймоқда. Оқибатда 11-мактаб ва 81-боғчага борадиган болалар кичик йўл қолиб, катта йўлдан юринга мажбур бўлишганди. Бу улар учун алоҳида қийинчилик туғдирапти. Айниқса қишлоқ-қировли қуларда, Бундан

ташқари ахлатхонадан тарқаладиган бадбўйлик сабаб каравотда ўтириб дам олиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Устига устак кўпича бу ерга ташланган турли чиниқдиларни ёқиб туришади. Шунда кўчани тугун ва бадбўй ҳид қоплаб олади. Хуллас, нима қилишни билмай бошимиз қотди: ах-

лат ташувчи машина ҳеч қачон ўз вақтида келмаса, маҳалла аҳли ҳамма чиқиндиларни бу ерга келтириб тўкаверса, озодалик учун ҳеч ким жон қуйдирмаса... Гапимизнинг хулосаси шуки, Орастакхон қизим, кўчамизга бир келиб, ҳақиқий аҳволни ўз кўзингиз билан кўриб кетсангиз. Балки бирор ёрдамнингиз тегиб қолар?

Ф. НУРИДИНОВ,
ҳақ маорифи аълочиси.
А. ҚАРИМОВ,
А. НАЖИМОВ,
меҳнат ветеранлари.

(Давоми. Боши биринчи бетда).

сўраб-суриштирди... Илйичнинг кравати ёнига келиб, «шу ўртоқ сенга қарайди», деб оддийгина қилиб, мени унга таништиради. Владимир Илйич менга синчков қаради-да, чап қўлини узатди...

Илйичнинг ахволи бирмунча яхшиланганда, май ойи бошларида уни Кремлдаги уйдан шаҳар ташқарисига олиб бориш зарурати тўғрисида масала туғилди... Ленинни Горькига қўчиришга қарор қилинди.

Кўчиш Илйичнинг ҳолатига яхши таъсир қилди. У тобора жимсонан бақувватлаша бошлади. Менинг таассуротимда, ҳатто, ўзининг соғайиши назарда тутилган режа ҳам тузди. Аввало, ўз эътиборини охирилтиришга қаратди. У ётувчи касал бўлгани учун атрофда одамлар ҳаддан ташқари қўлини сезди... У оёғига эътибор берар, уни қамиралишига уриниб кўрарди. Унга уни ман қилиши, бироқ Илйич қаттиқ туриб оларди, шундай қилишни ҳам биларди, чунки у Илйич эди.

1 августда Владимир Илйич Надежда Константиновна билан богда сайр қилатуриб, «а», «о», «и», «у» товушларини айтиб, ниманидир талаб қила бошлади. Бу алифбони ўрганишдек гап эди. Шу кунлардан бошлаб у сабр-тоқат билан тилини ўрганишга киришди. Шундай вақтларда биз ҳаммамиз уни янма биландир зўриқиб ишлашдан чалғитиш ҳақида ўйлардик, чунки, у кун бўйи шуғулланишга қодир эди. Беш ой давомида — августдан то январгача — у шундай катта натижаларга эришдики, унинг атрофида парвона бўлиб юрган биз ҳаммамиз 1924 йилнинг ёздаёқ бемалол гапиришга ишондик.

Владимир Илйич машгулотлар қилиш билан бир вақтнинг ўзига газеталарини ҳам ўқий бошлади. Бу ўқиб «Проектор» журналидан бошланди. Илйич уни стол устидан олиб, диққат билан кўздан кечирди, 8 августда эса газеталарини беришни талаб қилди. Профессорларнинг узоқ давом этган иккиланлиши, кенгашларидан кейин... газеталар беришга рухсат этилди...

Кунларнинг бирини у газетани Надежда Константиновнага кўрсатиб, ниманидир тушунирга бошлади. Надежда Константиновна тушунмади, Мария Илйиччани яхши қақирди. Илйич имо-шоралар билан бизга ўз истегини тушунтирди: нафтини шундай букдикни, бош ва кўрсаткич бармоқлари ўртасида икки сантиметрча оралик қолди. Хонада юриб, бизга ўзи нимани талаб қилаётганини тушунтиришга мостроқ келадиган нарсани қидириб топшига уринарди. У китобларни — биринчисини, иккинчисини кўрсатди.

Биз турли хил қарорга келардик, бироқ улар нотўғри бўлиб чиқарди, чунки Владимир Илйич дастлаб кудди, кейин ранжиган ҳолда кўларини силтади ва сўнг умуман хафасаласи пир бўлди. Бироқ афтидан ўша нараса унга зарур эди, шунинг учун у ўзига нима кераклигини уч кун давомида тушуниришга уйнаб кўрди. Мен буларнинг ҳаммаси газеталар билан боғлиқ эканлигини тахмин этиб, эртасига газеталар материалларидан ойлик подбора қилдим. «Ана, ана, ана» қувончи овоз янгарди. Балки комплет қилиб жамлаш (фикр йилт этди) керакдир? «Шу, шу, шу!» — тасдиқлади Владимир Илйич. Ниҳоят тушунганимиздан хурсанд бўлдик. Мария Илйична «Володажон, уни ҳозир қиламан» деди қувонган ҳолда.

Биз толиқиб қолмаслиги учун уни қўйиш билан, турли хил баҳоналар билан

машгулотдан ажратардик. Бунинг учун энг маъқул баҳона — богда сайр қилиш, қўзиқорин қидириш эди. Илйичнинг нигоҳи ўткир эди, шунинг учун ҳам қўзиқоринларни ҳаммадан олдин кўриб, бизга кўрсатарди, кўпинча бизнинг кўзимиз йўқлигидан, айниқса, узоқни кўролмаслиги туфайли кўпинча қўзиқоринларни кўрмасдан ўтиб кетувчи Надежда Константиновна устидан куларди. Бироз вақт ўтгач, бу машгулотлардан хафсаласи пир бўларди, бироқ у бундай сайрлар Надежда Константиновна ва атрофдагиларга қувонч келтиришини кўриб, ҳар доим бу сайрларда бажонидил қатнашарди. Бу қатор ҳолатлардан ҳам аён эди: сайр вақтида Надежда Константиновнани телефонга қақиршар ва унга муайян вақт бўлмасликка тўғри келарди. Илйич эса қўзиқорин қидиришни тўхтатар ва бу машгулотга беварфқ бўлиб қоларди. Надежда Константиновна қайтгач, яна кулги ва фаол қидириш бошларди. Илйичнинг атрофдагиларга ва айниқса,

Мария Илйична менга муурожаат қилиб деди: «Владимир Александрович, Рябовни (шофёрни) қақиринг, ёпиқ машинани олиб чиқсин». Қақирдим. Машина олиб чиқилди. Илйич тантанавор машинага ўтириб, саросимага тушган Надежда Константиновна ва Мария Илйиччаларнинг отланиши устидан кулди, чидам билан кутиб турарди. Ниҳоят, ҳамма тайёр бўлди. Жўнадик. Мария Илйична менинг кулогимга «Рябовга айтиб қўйинг, биз қўзиқорин териш учун борадиган йўлга бурилсин» деб пичирлади. Айтдим. Бурилдик. Бундай ҳйла учун жуда қулай пайт эди: Владимир Илйич К. Зорька тушган машинага ўтирилиб қаради ва бурилганимизни дарҳол сезмай қолди. Бироқ биз 10 саржин ҳам йўл босмасимизданок ҳйламиз ошкор бўлди. Хўкром ишора — тўхтатилсин. Владимир Илйич йўналишини кўрсатди. Жилмайди, бироз ҳаяжонланди, мени туртиб, шофёрни кўрсатар экан, «Тезроқ юришни бююринг» деди. Унинг хушчақчақ кўри-

лари Советининг мажлислари залига, олиб боровчи эшик томон бурилди. Зал бўм-бўш эди: Владимир Илйичнинг келиши муносабати билан мажлислар бекор қилинган эди. Илйич бошини сарак-сарак қилди. Менимча у бу ерда ўз ўртоқларининг кўпчилигини кўришни мўжаллаган эди.

Халқ Комиссарлари Советига кириб чиққандан кейин, Кремль бўйлаб сайр қилишга отланди. Менга жуда қаттиқ таъсир қилган бир кичиқ воқеа бўлиб ўтди. Илйич машинада борарди. Мулошидан қизил аскарлар взводиди кириб қолди. Улар Илйич ёнидан ўта бошлади. Шунда взвод командири «Ўнганга тўғриланинг!» деб команда берди. Қизил аскарлар Илйич томонга қарашди. Взвод командири қоматини тик тутиб, честь берди... Бу Владимир Илйичнинг Москвага сўнгги ташири эди. Видолашув юриши эди...

Қиш вақтида имкони бўлиши билан чаналарда сайрлар уюштирардик. Шундай тартибда борар эдик: биринчи чанада Владимир Илйич

Владимир Илйич соат ўн бирда ухлаш учун ўрнига ётди. Орадан 15 минут ўтгач унинг раvon нафас олаётганини эшитдим. Владимир Илйич жуда оёйсойиша ухларди, шунинг учун ҳаммаси яхшилик билан тугайди, деб ўйлардим.

21 январь тонги. Ҳар қақонгидек Надежда Константиновна соат 7 да турди. Тун қаёдай ўтганлигини сўради, Илйичнинг нафас олишига қулоқ солди ва «Афтидан ҳаммаси яхшига ўхшайди, уйқудан турса кечқурунги ҳолатсизлиги ҳам ўтди кетар», деди. Соат саккизларга яқин кофе беришди.

Соат 9. Илйич ҳамон ухларди. Мен Надежда Константиновна билан Илйич уйқонганида ювиниш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдик. Мен одатдаги қақирини кутаман, хавотирлини йўқолмаганлиги учун хонага бот-бот қарайман: Илйич ҳамон ухларди.

Соат 10 га яқин шиттирлаш эшитилди, Владимир Илйич уйғоняпти. «Владимир Илйич ўрингиздан турсизми?». Жавоб ноаниқ. Ўйку уни ҳеч бардам қилмаганлигини, у кечагидан ҳам анча ҳолисизланганини пайқадим. Бу ҳақда профессорлар Ферстер ва Осиповларга хабар бердим. Шу вақтда Владимир Илйичга кофе олиб келишди. Илйич уни ўрнида ётган ҳолда ичди. Ичгач, бироз тотиқланди, бироқ ўрнидан турмасдан яна тезда ухлаб қолди.

Профессор Ферстер ва мен ётиш хонаси эшиги олдида жилмадик. Надежда Константиновна ҳам, Мария Илйична ҳам шу ерда эдилар. Ҳаммамиз хавотирда эдик, бироқ Илйич сокин ухларди, шунчалик тинч, шунчалик яхши ухлардики, Илйич бардам бўлиб уйғонади ва ҳаммаси яхши бўлади, деган умид яна пайдо бўла бошлади. Шундай бўлишини истардик, шундай деб ўйлардик, бироқ амалда бундай эмасди.

Илйич соат 2 дан 30 минут ўтганда янада кўпроқ толиққан, янада кўпроқ ҳолисизланган ҳолда уйғонди. Профессор унинг олдида кирди, қон томири уришини текширди ва бу толиқиш, хавфли ҳеч қандай нараса йўқ, деб топди.

Мария Илйична тушлик келтирди. Илйич ўрнида ётганича бир пйёла қуруқ қайнатма шўрва ва ярим стакан кофе ичди. Хуштаём оватқ Илйични жонлантормасди, у тобора ҳолисизланди, янада ҳолдан толиб бораверди. Профессор Осипов ва профессор Ферстер бевосита уни кузатар эдилар.

Соат 6 ларга яқин Владимир Илйичда тутқаноқ бошланди, бутун гавдаси тортишарди. Профессор Ферстер ва профессор Осипов бир дақиқа ҳам унинг ёнидан сиккишмади, юрак ва қон томирлари уришини кузатардиллар, мен Владимир Илйич бошида компрессия ушлаб турдим. Соат 6 дан 25 минут ўтганда тўсатдан ҳарорат кўтарилиб кетганлигини сездим. Бу ҳақда профессор Осиповга айтдим ва шу заҳотиёқ ҳарорат ўлчагич қўйинди.

Соат 13 минути кам еттида ҳарорат ўлчагичини олдим довдираб қолдим. У 42,3 ни кўрсатарди. Профессор Осипов ва Ферстерлар бошида бунга ишонмадилар ва у хато дедилар. Бироқ бу хато эмасди — орадан 3 минут ўтгач Владимир Илйич вафот этди.

Матн тарғх фанлари номзоди Н. КОСТИННИКИ. Русчадан

М. МИРҲАМИДОВ таржимаси.

(«Социалистическая индустрия» газетасидан).

ИЛЙИЧНИНГ СЎНГГИ ЙИЛИ

Надежда Константиновнага бундай меҳр билан эътибор бўлишини тез-тез кузатиш мумкин эди. Кунларнинг бирини шундай воқеанинг шохиди бўлдим: Илйич Надежда Константиновна билан бирга ўтирарди. Надежда Константиновна ўқир, у диққат билан тингларди. Гоҳида у ёки бу жойини қайта ўқиниш илтимос қиларди. Икковлигининг кайфияти яхшидек кўринарди. Мана, Надежда Константиновна ташқарига чиқди. Илйич хаёл сураётгандай столга тираскарини тираган ҳолда қўли билан юзига бироз беркитиб ўтирди. Ва тўсатдан кўз ёшлари оқди... Шовқин, шиттирлаш, қадамлар. Кимдир келяпти. Илйич қаддини ростлади. Кўз ёшларини артки. Бамисоли ҳеч нараса бўлмагандек китобини қўлига олди...

Владимир Илйич Москвага, Кремлга бориш истегини бир неча бор айтди. Бироқ биз — унинг атрофдагилар узоқ йўл бошидан, Кремль, Халқ Комиссарлари Совети ва бошқа жойларнинг кўришини уни ҳаяжонлантириниш мумкинлигидан хавотирланиб, турли хил баҳоналарни рўқач қилиб, боришни йўққа чиқарардик. Илйич қаттиқ туриб олмасди.

Кунларнинг бирини бошқа-ча ҳодиса рўй берди. Владимир Илйич ва Надежда Константиновна богда сайр қилиб юришганда мен ўрнига келган К. Зорька (кейинчалик бетоб Владимир Илйич ёнида наватчилик қилиш учун Рукавишников қаторига медик-студентлар Казимир Зорька-Римша ва Николай Попов қўшилган) кетиш олдида қайрлаиш учун кириб, «Москвага кетаялман, кўришунга хайр, Владимир Илйич» деди. Надежда Константиновна ва мен билан ҳам хайрлашди. Кетди. Владимир Илйич унинг ортидан ҳозир машина бўлса керак, деб Москвага боришга қарор қилди. Гараж жойлашган ҳовли томон юрабошлади.

Ҳовлида Зорькани кутаётган очиқ машина турарди. Зорька тушлик қилаётган экан. Владимир Илйич машина томон бора бошлади.

нинг аста-секин Надежда Константиновна ва Мария Илйичнага ҳам ўтди. Улар бошида бу сафاردан ниҳоятда безовта бўлишган эди.

Ҳақиқатан ҳам Кремль, Москва, Халқ Комиссарлари Советидан ҳаяжонланмай бўладим. Илйич учун бу кўнглихушлик эмасди. Лекин Илйич хурсанд. Илйич манун эди, биз ҳаммамиз ҳам жилма бошладик ва «Владимир Илйич, Горькига, бизнинг ҳузуримизга меҳмонлар келишяпти-ку...» деб ҳазиллашдик. Илйич менга савол назари билан қаради. «Владимир Николаевич Розанов келяпти. Афтидан тезда учрашамиз. Ушанда ҳайрон қолади!» Мария Илйична ҳазиллаб қўйишмайди, пропускан йўқ», деди. Жавобига қаҳ-қаҳа кулги янгарди.

Москвадан 14 қақиримча нарида ажойиб манзара очилди. Владимир Илйич хурсанд. У жойида жим ўтирмай тезроқ юришни талаб этади. Уч қақиримчадан кейин Розановга дуч келинди. У Владимир Илйични кўриши билан ҳанг-манг бўлиб қолди-да, ўзини йўқотиб «Қаёққа кетаялсизлар!» деб сўради. Москвага, деб тушунтирдик. Хурсандчилигидан Илйичнинг кўзлари ёнарди. Розановнинг машинамизга ўтиришга таклиф қилади. Сафар давом этарди.

Мана Кремль. Соқчи бизнинг пропускаримизни текширар. Илйич эса автомобилнинг бурчига ўтирарди. Унинг юзига билинар-билимас илжайиш пайдо бўлди — ҳужжат йўқ. Соқчи пропускни кўрсатмаётган йўловчига яқин келиб эгасига сўради. Кўрди-ю, орақсига тасарилади. Ғоз туриб, қўлини чеккасига қўйди, унинг юзига барча ҳислар ҳаяжонланди, завқланди, хурмат-эҳтиром пайдо бўлди. Йўл очик.

Владимир Илйич келиши билан креслога ўтириб дам олди, квартирани обдон кўздан кечирди. Китоблар терилган шафларга қаради... Эртасига тушликдан кейин иккинчи марта ўз хонасига бориб, бироқ бу гал уни кўриш билан қаноатланмади, хонасидан Халқ Комиссар-

ва Петр Петрович (Пакалми — Н. К.) кейингисидан Надежда Константиновна мен ёки Зорька билан. Гоҳида Мария Илйична ҳам чиқар эди. Кейинчалик бундай сайрларга чиққанда Илйичнинг талаби билан ов қилиш учун қурол оладиган бўлдик. Мария Илйична билан Надежда Константиновна бундай сайрлардан «қувиларди». Владимир Илйич уларни маъқулламоғичи ва оғоҳлантирувчи ишора билан кўрсатарди. Мен бун Илйич эркин, доимий гамхўрликдан халос бўлмоқчи деб тушунардим.

Вутун мамлакат мўлжиза рўй беради. Ленин Халқ Комиссарлари Советига қайтади деб ишонарди. Бироқ касаллик хужуж қиларди...

20 январь кўни соат 6 дан 30 минут ўтганда мен Поповдан сменани қабул қилдим ва ундан наватчилиги вақтида содир бўлган ҳамма нараса ҳақида маълумот ҳам олдим. У Владимир Илйичнинг безовта қилаётган қандайдир номаълум аломатлар пайдо бўлганлигини, одатдагидан кўра ҳолисизлигини, кўздан шикоят қилганлигини, вақти-вақти билан ёмон кўраётганлигини қисқача қилиб гапириб берди. Владимир Илйичнинг кўзини текшириш учун Москвадан профессор Авербахни қақиринди.

Попов Москвага кетди, мен шу ерда қолдим. Бу вақтда Владимир Илйич ўз хонасидан Надежда Константиновна билан бирга ўтирар ва Надежда Константиновна овозини чиқариб газета ўқирди... Соат 7 дан 45 минут ўтганда Мария Илйична менга кечки таом тайёр бўлганлигини ва Владимир Илйични қақириниш мумкинлигини айтди. Владимир Илйич кечки овқатдан деярли ҳеч нараса танавул қилмади.

Соат тўққизларда профессор Авербах келди. У билан ялғари учрашган Владимир Илйич профессор билан илтифотли ишора билан саломлашди. Профессор Авербах кўриши яхшилигини, кўз ичида ҳеч қандай ўзгаришлар йўқлигини, кўриш қуввати аввалги вақтдагидек эканлигини аниқлади.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг кириш нутқи

(Давоми. Боши 2-, 3-бетларда).

Ўйламанки, биз шунга қарамай, умуман олганда ҳалақат беришни, вазиятни беқарорлаштириш, жамиятга ниёқ солиш, янги идоралар фаолиятини қийинлаштириш мақсадини кўзлайдиган енгил-елпи, шоқлоқлик билан қилинган мулоҳазалар ва хулосаларга кўнгли зарба беришимиз керак. Буни ҳам кўриш ва эътиборсиз қолдирмаслик зарур.

Албатта, бошлиқларни ҳам танқид қилиш мумкин — бу ҳозир ҳаммага аён, бу ҳозир нормал ҳол бўлиб қолди, бундай жараён юз бермоқда. Лекин бу танқид амалий бўлмоғи керак, кўпинча юз бераётган

нидек, сафсатабозлик бўлмаслиги керак.

Пухта ўйлаб гапириш керак. Баъзи бировлар жамиятга, меҳнаткашларга оддий ечимлар, йўл-йўриқларни кўрсатишмоқда. Худди Кашпировскийнинг сеансларидаги каби: бир, иккинчи жамият соғлом. Бу — ҳурматсизликдир, ҳали етарли бўлмаган сиёсий маданиятдан, энг муҳими эса ҳозирги қийинчиликлардан фойдаланиб қолдишга уринишдир. Ҳақиқатан ҳам, ҳаёт жуда мураккаблашиб кетди, ҳеч нарса етишмайди, одамлар эса бундай вазиятдан тезроқ қутилишни исташади. Ким буни истамайди дейсиз? Раҳбарларми? Эҳтимол улар ўзлари қилаётган ишлар тезроқ натижа беришни ҳаммадан кўра кўпроқ исташар. Биз

ҳаммамиз шунга истаимиз. Лекин жўн ечимлар бўлмайдилар. Ҳамма масалаларни бир зарб билан, бир ой, бир йил давомида ҳал қилиш мумкин деган хом ҳаёлдан воз кечиш керак. Йўқ, бундай бўлмайди. Биринчи йилда ҳал қилиш мумкин ва ҳал қилиш керак бўлган масалалар бор. Бундай масалалар мавжуд. Лекин жамиятни мутлақо янгилаш — чуқур жараён, у пухта олиб борилмоғи керак.

Кейинги вақтларда биз умуман янги идораларнинг янги шариҳларда амал қилиши масалалари утида ўйлапмиз. Марказий Комитетда ҳам фикр-лаяпмиз, бу масалалар депутатлар ўртасида фаол муҳоама қилинмоқда. Олий ҳокими-

ятнинг янги органларини тузиш ва уларнинг вазифаларини белгиланган вақтда биз аввалига марказда самарали механизм барпо этиш вазифасини тўла-тўқис ҳал қилишга муваффақ бўлмадик, деган фикрда борган сари кўпроқ келмоқдамиз. Буни эътироф этиш керак. Биз буни кўриб турибмиз, биз ҳали марказда қайта кўриш сиёсати мақсадларини рўй-ёбга чиқаришнинг самарали механизмини яратганимиз йўқ. Бу бизни ташвишлантириши керак, биз буни англаб олишимиз лозим, бинобарин, кириш нутқида тайёрланар эканман, бу ҳақда ҳам сизга айтишга ва сиз билан маслаҳатлашишга қарор қилдим. Ўйламанки, ордага сурмасдан биз бу масалаларни биргаликда ўйлаб кўриши-

миз ва келишиб туриб, унга жавоб топишимиз керак. Бу мураккаб масалани ҳаётнинг ўзи қўйди. Шубҳасиз, бизга самарали ҳаракат қилишга, қайта кўришни ҳимоя қилишга ва қатъий билан олга силжиштишга, барча ҳалқларнинг манфаатлари йўлида жамиятни янгилашнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган демократик олий ҳокимият зарур.

Мен сизларга, айтайлик, «Баҳона топиб бериш» учун айтмоқчи бўлган баъзи мулоҳазаларим ана шулардан иборат. Ўйламанки, бизнинг суҳбатимиз ана шу фикрлар, мулоҳазалар доирасида давом этади. Кенгашиш очиб деб эълон қилмаман. (Қарсаклар).

ФАОЛЛАР ВАЗИФАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Илгари хабар берилганидек, Урта Чирчиқ Оҳангарон, Бекобод, Урта Чирчиқ ноҳиялари ва Ангрэн шаҳар партия комитетлари фаолларнинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳар ва ноҳия партия комитетлари биринчи котиблари ҳамда идеология бўйича котиблари билан бирга шаҳар ва ноҳия Советлари ижроия комитетлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, маҳаллий Советлар депутатлари, комсомол ходимлари, област ижроия комитети бошқармаси бошлиқлари, партия комитетлари идеология комиссиялари раислари, сиёсий маърузачилар, тарғиботчи ва ташвиқотчилар, бир қатор саноят кор-

хоналари ва хўжаликлари раҳбарлари ҳамда партия ташкилот котиблари иштирок этдилар.

Йиғилишда қатнашчилари СССР халқ депутатлари II съезди, Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков билан учрашуви якунлари асосида баҳариланиши лозим бўлган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни муҳокама қилдилар. Бу ҳақда Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов доклади қилди.

Йиғилишда жумҳурият партия ташкилотининг сайловолди ҳаракат дастурини амалга ошириш юзасидан вилоят партия ташкилоти олиб бораётган ишлар та-

дил қилинди. Вилоят партия комитети котиби Ш. Н. Махмудова ҳаракат дастурида белгиланган биринчи галдеги вазифалар ҳали ҳам суғуст амалга оширилмаётганини таъкидлади. Биринчи бешинчи синг ўқувчиларига бепул нонушта беришни ташкил этиш, кўп болали оилаларга, хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш, мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаблар қурилишини жадаллаштириш, медицина хизматини, пенсия таъминотини яхшилаш ва бошқа йўналишлар бўйлаб бошланган ишларни давом эттириш зарурлиги уқтириди.


Сўзга чиққан Урта Чирчиқ ноҳия партия комитетининг бирин-

чи котиби М. Икромов, Оҳангарон ноҳия партия комитетининг биринчи котиби С. Р. Тўлаев, Ангрэн шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Н. Г. Носков, Бекобод ноҳия партия комитети котиби Қ. Қ. Хуррамова, «Қрасногорский» кони партия комитети котибининг ўринбосари В. Е. Неликин, Ангрэн сўт заводи директори Р. Мадалиев, Урта Чирчиқ ноҳиясидаги Свердлов номи колхоз партия комитетининг секретари Ж. Қурбонбоев СССР халқ депутатлари II съездида олган суришган голларни рўйбга чиқаришга тўқинлик қилаётган муаммолар ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш ишда вилоят партия комитети котиби С. Д. Сайдалиев, вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосарлари О. Г. Айдақов, Н. И. Гусакон, вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари — план комиссияси раиси Т. Йўлдошев иштирок этдилар.

ФАХРИЙ ЁРЛИҚ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг кўп йиллар ва ҳалол меҳнат қилганлиги учун вилоят партия комитети техник-котибси Зинаида Ефимовна ТИШКОВА Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ва вилоят ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.



«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 33-моддасига мувофиқ қўйидагилар Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий советларни депутатлигига сайловлар кўни

Тошкент вилоятдан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи мавзе сайлов комиссияларининг АХБОРОТИ

кистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиндилар.

94-Солдатск сайлов мавзесидан

Кан Юрий Павлович — 1930 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Киров номи колхозининг бригада бошлиғи, Ғалаба ноҳиясида яшайди.
Дюгай Владимир Кон-

тантинвич — 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Победа» колхозининг бригада бошлиғи, Ғалаба ноҳиясида яшайди.

Тургузбоев Омонтурди Қосимович — 1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Свердлов номи колхозининг бош агрономи, Ғалаба ноҳиясида яшайди.

102-Салар сайлов мавзесидан

Шайхов Эркин Турдиевич — 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ректори, Тошкент шаҳрида яшайди.

Атгуллин Раҳимжон — 1949 йилда туғилган, КПСС аъзоси, ТашГРЭС партия комитетининг секретари, Ор-

жоникидзе ноҳиясида яшайди.

75-Кимё заводи сайлов мавзесидан

Юсупов Фахриддин Пулатович — 1944 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Электротехпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инжениери, Чирчиқ шаҳрида яшайди.

Соловьев Владимир Александрович — 1942 йилда туғилган, КПСС аъзоси, автоматика тажриба конструкторлик бюросининг бош конструктори, Чирчиқ шаҳрида яшайди.

Рот Виктор Андреевич — 1949 йилда туғилган, партиясиз, «Ўзбекхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесарь-асбосози.

Тошкент вилоятдан халқ депутатлари вилоят Совети депутатлари сайловини ўтказувчи мавзе сайлов комиссияларининг АХБОРОТИ

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 34-моддасига мувофиқ қўйидагилар халқ депутатлари вилоят Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиндилар.

147-Қирай сайлов мавзесидан

Мирзажонов Қирғизбой — 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Союзлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг натта илмий ходими, Тошкент шаҳрида яшайди.
Йўлдошев Абдуваҳоб Аб-

дусаматович — 1937 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент вилоят Совети ижроия комитетининг раиси, Тошкент шаҳрида яшайди.

148-Чинобод сайлов мавзесидан

Нурматов Ҳасан Имомқулович — 1952 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Оржоникидзе ноҳия Совети ижроия комитетининг раиси, Оржоникидзе ноҳиясида яшайди.

151-Охунбобоев сайлов мавзесидан

Муҳиддинова Муҳаббат — 1946 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Оржоникидзе ноҳия санитария-эпидемиология станциясининг бош врач, Тошкент шаҳрида яшайди.

156-Чанги-Хисарак сайлов мавзесидан

Ризаев Тожийой — 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ленинбод» совхозининг директори, Парент ноҳиясида яшайди.

Пирматов Нихом Исоқович — 1950 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба-ишлаб чиқаришига эга бўлган ихтисослаштирилган лойиҳа конструкторлик технология бюроси директори, Тошкент шаҳрида яшайди.

175-Ленни йўли сайлов мавзесидан

Убайдуллаев Муҳаммад — 1943 йилда туғилган,

КПСС аъзоси, «Ленин йўли» колхозининг раиси, Урта Чирчиқ ноҳиясида яшайди.

192-Йўлтўшган сайлов мавзесидан

Жўрабекова Нортोजи — 1948 йилда туғилган, партиясиз, «Қизил Октябрь» колхозининг ситир соғувчиси, Чиноз ноҳиясида яшайди.

198-Ислоҳот сайлов мавзесидан

Налибекова Феруза Исроиловна — 1949 йилда туғилган, партиясиз, «Октябрь 40 йиллиги» колхоз бошлагачи мудири, Чиноз ноҳиясида яшайди.

Бўрончиева Фарида Муртазоевна — 1959 йилда туғилган, партиясиз, Навоий номи колхозининг бузоқбоқари, Чиноз ноҳиясида яшайди.

200-Куйбеш сайлов мавзесидан

Дадабоев Шўҳрат Отахонвич — 1939 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, Тошкент шаҳрида яшайди.

Тошмуродова Шакар —

1948 йилда туғилган, партиясиз, «Ленинград» колхозининг аъзоси, Бўстонлиқ ноҳиясида яшайди.

201-Ортиқов сайлов мавзесидан

Мираҳмадов Миродил Мираҳмадович — 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси, УЗОС марказий поликлиникасининг кардио-неврология санаторийсининг бош врач, Тошкент шаҳрида яшайди.

Алматова Дилбар — 1948 йилда туғилган, партиясиз, «Ленинизм» колхозининг болалар бoғчаси мудири, Янгийўл ноҳиясида яшайди.

202-Ленни сайлов мавзесидан

Сайдахмадова Карима — 1950 йилда туғилган, партиясиз, Ленин номи колхоз аъзоси, Янгийўл ноҳиясидаги Нинезоб қишлоғида яшайди.

203-Оқолтин сайлов мавзесидан

Авазов Нишонали — 1924 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ленин номи колхоз раиси, Янгийўл ноҳиясидаги Нинезоб қишлоғида яшайди.

(Давоми бор).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАР ХАЗИНАСИ

✦ В. И. ЛЕНИН 1920 йилнинг 2 февралда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг



Москвада РСФСР қимматли буюмлар давлат хазинаси (ГОХРАН)ни тасвир этиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Бу хазина зиммасига РСФСРга қарашли бўлган олтиндан, платинадан, қумушдан тайёрланган барча қимматбаҳо буюмларини, уларнинг қўйма-ларини, гавҳарлар, қимматли рангли тошлар ва дурларни сақлаш ва ҳисобга олиш вазифаси юклатилган эди.

У ташкил этилгандан бери ўтган 70 йил давомида анча ўзгаришлар бўлди. Ҳозирги вақтга келиб вазифалари янада кенгайди. Эндиликда у халқ ҳўжалиги ва экспорт эҳтиёжлари учун қимматли металлари қабул қилади ва беради. Хазинада паст нави олмосларга ишлов бериш бўйича жаҳонда энг йирик ва но-бб ишлаб чиқариш ташкил этилган. Унинг ёрдамида мамлакатимизнинг техникавий мақсадлар учун ишлатиладиган олмослар ресурсларини бир неча баробар ошириш, халқ ҳўжалигининг унга бўл-

ган эҳтиёжини қондириш ва бундай ресурсларни ҳориждан келтиришни тугатиш мумкин бўлади. Суратларда: (юқориде) катта эксперт О. В. Карпова ва катта инспектор Н. И. Овчинникова хазинага келтирилган қимматли буюмларни баҳоламоқдалар. (пастда) Юрий Чурбановдан мусо-дара қилинган қимматли безакларнинг бир қисми.

Г. ХАМИЛЬЯНИН суратлари. [ТАСС].

ИШОНИШ ҚИЙИН

АЛБАТТА, қўйидаги хабарнинг тўричилигига қафолат бериб бўлмайди, бундан ҳайқиш ҳам керак эмас. Хурсанд бўлиш эса умуман мумкин эмас. Англияда чиқадиган «Уикенд» журналининг ёзишича, америкалик олимлар ер юзиде аҳоли сонининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган муаммонинг ҳал қилиниши воситаси ни ишлаб чиққанлар. Бу восита ерда яшовчи инсонларни кичкинлаштиришга қаратилгандир. Журналининг хабар қилишича, шундай энг вирусни яратиш мумкинки, уни атмосфера ёки сув ҳалқасига тарқатиш йўли билан анча қисқа муддат ичида кишилар бўйини пасайтириш мумкин: бўйи 70—80 сантиметро кишилар нормага айлиниб қолади. Бир метрлик эса йирик кўринадиган бўлади.

РЕКОРДЧИ КЕНГУРУЛАР

Ҳайвонлар дунёсида «спорт» рекордларини қайд қилиш осон эмас. Бироқ табиатшунослар қандайдир усул билан ҳисоб-китоблар қила оладилар.



У Й ШАРОИТИДА

Масалан, улар кенгуру қанчалек узоққа сакрашини аниқладилар. Кенгуру кенгурулар, яъни бу туркум ҳайвонларнинг энг йиригининг қайд қилинган энг узоқ сакраши 13 метру 63,6 сантиметрга тенг бўлган. Баландликка сакрашнинг рекорд кўрсаткичи эса 3 метру 20 сантиметрга өтган. Кенгуру соатига 48,27 километргача тезликда чопар экан.

БАРГ... ЧАНА

Кокс пальмасининг хўсусиятлари жуда турли-туман. Улар ҳақида жуда кўп ёзилган. У ёритади ҳам, иситади ҳам, чанқовни босади, қорнингни тўйгазди. Умуман жонинг рўҳати. Унинг яна бир фазилати бор экан.

Тузмоту архипелагининг Гамбье оролларида пальма баргидан спорт анжони, аниқроғи чана сифатида ҳам фойдаланилар экан. Баргга ўтириб олиб, уни ўзига тортиб қаттиқ букилса бўлди, кўм бархани ёнбағри бўйлаб анчагина тезликда тушиш мумкин. Оролликлар вақти-вақти билан чана—кокс баргида учиб бўйича мусобақалар ҳам уюштириб, анча юқори натижаларга ҳам эришдилар.

✦ ЛИТВА ССР. «Энергетика» бирлашмасида Каунас медицина институтини билан ҳамкорликда шахсий телеметрик кардиография хизмати ташкил этилди. Эндиликда телефон тармоғидан ишлайдиган телекардиограф ёрдамида уй шароитларида электрокардиограмма қилиш имкони туғилди. Суратда: электрокардиограммани олиш жараёни.

В. АЛЕКНАВИЧЕСКУС сурати. (ТАСС).

БУГУН
«ЎЗБЕКФИЛЬМ»ДА

«ҚОТИЛЛАР»

«Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги «Олдуз» ижодий уюшмасида янги «Қотиллар» бадиий кинолентаси эканлаштирилмоқда. Фильмнинг сценарий муаллифи ҳамда режиссёри Музроб Боймухамедовдир. У томошабинларга режиссёр-мультипликатор сифатида яхши таниш.

Режиссёрнинг «Сўнгги дев», «Катта ва кичик», «Сирли най», «Маматнинг саргузашти» каби қатор мультифильмлари томошабинлар томонидан илқ кутиб олинган.

«Қотиллар» картинаси Музроб Боймухамедовнинг катта экран учун яратётган илк кино асаридир. Детектив жанрга хос бўлган ушбу фильмда бир боксчининг нотаниш қизини ҳимоя қилиб, ноҳақ қамалиб кетиши ҳақида ҳикоя қилинади. Ана шу мисол орқали муаллиф лоқайдлик, бе-мехрилик, инсонлар тақдирига бефарқ қараш оқибатида ҳаётимизда содир бўлаётган фо-жияларни тасвирлайди.


Р. БЕРДИЕВ.

ЧАЙНКРОССВОРД

1. Ўзбекистондаги футбол команди. 2. Миллий торли мусиқа асбоби. 3. Иморат. 4. Бахт, толе. 5. Ип, йпақ аралаш ғазлама. 6. Эртанишар, тўрлама хушбўй қовун нави. 7. Ёанин энг иссиқ диври. 8. Ваганимизнинг шимоли-шарқий қисмида яшовчи халқ. 9. Оғирлик ўлчови. 10. Бошқарувчи, йул бошчи. 11. Учаш қурилмаси. 12. Мушуксимонлар оиласига мансуб йирик йиртиқчи. 13. Машҳур ҳинд кино артисти. 14. Спортнинг энгил атлетика тури машқларидан бири. 15. Ўткир Ҳошчмовичин «Нур бор ки, соя бор» романи қаҳрамони.

16. Мактабларда дарсга қатнов ҳисоби. 17. Тўқимачилик ашёси. 18. Забардаст, бақувват. 19. Оғирлик ўлчови асбоби. 20. Гармсел, бўронни тўсиш мақсадида ёқилган дарахтлар. 21. Алот ва водород бирикмасидан иборат ўткир хидли газ. 22. Ваъза турлари хонакилаштирилган танаси тиканли ватани Америка қўллари бўлган ўсимлик. 23. Суяқ ҳолда бўладиган кул ранг оғир металл. 24. Энг умрибод қий дарахт. 25. Қамшсимон тропик ўсимлик. 26. Тола олин-надиган техника өкинги.

Тузувчи Фозилжон ОРНПОВ.



«Реклама ва эълонлар»

Ўзбекистон Маданият фонди
Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг
«ЕШЛАР УЙИ»

В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИИДА

29, 30 январь соат 19.30 да,
31 январь соат 16.00 ва 19.30 да

«КАМОЛОТ-89»

конкурс лауреатлари ва дипломатларининг

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Мухаммадқарим СОИПОВ, Ғаёс БОЙТОВЕВ, Мухриддин ҲОЛИҚОВ, Охун МАДАЛИЕВ, Эркин ҚАЙТАРОВ, Бахтиёр УМАРОВ, Жамила РАВШАНОВА, Шомажуд ШОРАҲМЕДОВ, Замира НОМОЗОВА, Эркин РАҲИМОВ, Абдуқодир ХУДДИЕВ.

Сўз усталари: «ҚИЗИҚЧИ-89» конкурси лауреати Абдулла АКБАРОВ ва дипломантни Туйғун СЎДЎЛЛАЕВ.

«ҚИЗИҚЧИ-89» ва «КАМОЛОТ-89» конкурсларининг раамзий лауреати
Достон УБАЙДУЛЛАЕВ
Саҳналаштирувчи режиссёр — Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 41-45-20, 39-42-68, 45-93-63.

Кўпчилик бўлиб келишни хоҳловчилар. ДАН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мухаррир
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов
Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.